



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 26 август, № 166 (6601)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчилиқни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

Ачиллов Илхом Каландарович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва боҳжона органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи
Аюбов Улуғбек Толағанович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедрасининг катта ўқитувчиси
Едгоров Холмўмин Вурбаев — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси
Жалолов Бахтиёр Одилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Оқюлов Оманбай — Тошкент давлат юридик университети «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг профессори

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидоийлик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Шамсутдинов Баҳрам Абдуллаевич — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Абдинабиев Шавкат Азадбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бошлиғи
Абдуясоуп Мурод Абдурахимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Алиев Шухрат Хасанович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Исмоилов Ойбек Ортикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ кўшинлари кўмондонининг ўринбосари
Хамраев Азиз Сирожиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Абдуганиев Бахтиёр Ермахаматович — Ўзбекистон Республикаси Давлат боҳжона кўмитаси Марказий боҳжона лабораторияси бошлиғи
Макудова Гулбахор — Тошкент юридик коллежи «Конституциявий ҳуқуқий фанлар» кафедрасининг ўқитувчиси
Рахматов Эркин Облобердиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи
Салимов Азиз Халимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портлаш техникаси экспертиза маркази бошлиғи
Цой Эдуард Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурининг биринчи ўринбосари
Шерийгитов Мамаюсуб Мамадиярович — Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди судьяси
Шиголев Евгений Станиславович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

Югай Станислав Валерьевич — Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

«Мардлик» ордени билан

Абиджанов Камолддин Абдукаххорович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили
Байбабаев Собиржон Азимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Гафуров Абдурашид Абдураҳимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи мутахассиси
Зиямухамедов Руслан Ислонжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси штурмани
Ибадуллаев Атабек Сапабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи
Махмудов Фазлиддин Хомитович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири
Муханов Баҳрам Вахабович — Давлат боҳжона кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси боҳжона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи
Хусанов Фанишер Умаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасининг гуруҳи взвод командирининг ёрдамчиси

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ҳамда муштарак интилишлар самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланмоқда.
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги олдида Ўзбекистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мутор элчиси Квон Ён У билан суҳбатлашди.

Квон Ён У:

«Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида эришган ютуқлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди»

— Жаноаб элчи, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида турли жабҳалар, жумладан, иқтисодий соҳада амалга оширилган ишловлар ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз.

— Ўзбекистон бой табиий ресурслари, юқори малакали кадрлари ҳамда кўлай географик жойлашуви билан улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Мустақиллик йилларида кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг амалга оширилгани ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилгани самарасида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти жадал ривожланаётган индустриал давлатга айланди.

Ўзбекистонда саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурлари ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ҳамда «Жиззақ» махсус индустриал зоналарининг ташкил қилиниши ва иқтисодийта хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Корея Республикаси беғараз ёрдам бериш лойиҳалари, ўзаро билим алмашиш бўйича қўшма дастури (KSP) амалга ошириш, инвестиция кириши орқали ушбу жараёнда фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз келажақда ҳам ривожланиб, янада мустаҳкамлашишига ишонамиз.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболли қандай баҳолайсиз? Мамлакатларимиз ҳамкорлигининг қайси йўналишларини устувор деб ҳисоблайсиз?

— 2016 йил Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинди. Мамлакатимизда оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида фикрингизни билдирсангиз.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган, иқтисодиётни изчил ривожлантириш билан бирга, соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди ва бу тахсига лойиқдир.

(Давоми 3-бетда).

Замонавий «Afrosiyob» электропоезди Бухорога йўл олди

Манзилга етиб бориш муддати — 3 соату 20 дақиқа.



Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз ҳаётида яна бир унутилмас, тараққиётимиз барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшадиган воқеа юз берди. Тошкентдан Бухорога электрлаштирилган темир йўлдан тезкор поезд қатнови бошланди. Эндилқда юк ташиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати юксалиши баробарида, манзилга етиб бориш муддати 2,5 марта қисқарди. Бу орқали, ўз навбатида, харажатлар сарфи ҳам тубдан камайдди. Шу билан бирга, мазкур лойиҳа ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг Ҳисса ҳамда ташаббуслари асосида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ривожланишининг муҳим омилидан бири —



Ҳосон ПАЙДЎБЕВ оғлон сураётган.

ягона миллий темир йўл тизимини яратиш, Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган транспорт коммуникацияларига асос солишга улкан эътибор қаратилди. Шу мақсадда бунёд қилинган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайтоғ — Нукус темир йўли мамлакатимиз Шимолни марказ билан, Амударё орқали ўтган кўприк

эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятини бошқа ҳудудлар билан туташтирди.

(Давоми 3-бетда).

Энг намунали маҳаллалар аниқланди

Мустақиллик йилларида давлат ва жамият бошқарувининг халқчил тизими — маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузини юксалтириш, самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

КУЧЛИ Фуқаролик Жамияти Сарри

Ана шу сазй-ҳаракатлар натижасида бугун ушбу ноёб тузилманинг ёшларимизни барқамол этиб тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жа-

миятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоялаш, хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётда кенг қарор топтираш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Пировардида эса маҳалла фуқаролик жамиятининг

муҳим бўғини сифатида демократик ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланди.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида фуқаролар йигинлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 91 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб 77 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтқа-

зилгани ана шундан далолатдир. Айни чоғда маҳаллаларда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида 65 мингга яқин тадбирлар ташкил этилди. Шу билан бирга, оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимини оширишга кўмаклашиш мақсадида «Ота-оналар университетлари» томонидан 55 мингга яқин тадбирлар уюштирилди.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Олий Мажлисининг қўйи палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқишдан бошлади.

Ушбу Қонун меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, ташкилотларда иш бевуқилар ва ходимларнинг мазкур соҳага доир талабларни бажариш бўйича маъсулиятини кучайтиришга, меҳнат шароити ва меҳнатни муҳофаза этиш бўйича тегишли шароитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифаларини белгилашга, ушбу соҳадаги жамоат назорати самарадорлигини оширишга, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида амалдаги Қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқлаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонунга янги тушунчалар киритилди, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳо-

фаза қилинишини бошқариш тизимини аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига қалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари аниқ тартибга солинмоқда.

Мазкур соҳада жамоат назоратини амалга оширишда кенг жамоатчилик ва касба уюшмалари иштирокининг аниқ механизми белгиланмоқда, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият билан бевоқифа боғлиқ бўлган ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонун бозор иқтисодиётининг ҳозирги замон талабларига ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларга мувофиқ келишини ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳалари ходимлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратишга, шуниқдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришга кўмаклашишини билдирдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида

Энг намунали маҳаллалар аниқланди

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Шунингдек, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан Давлат дастури доирасида чекка туман ва қишлоқлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 3680 нафар фуқарога кийим-бош тўпламлари берилди. Кам таъминланган, боқувчиани йўқотган оилалар фарзандлари ҳамда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 250 та оиланинг омонат дафтаридаги 1 миллион сўмдан маблағ ўтказилиб, суннат тўйларини қилиб беришга ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, яқка-ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларнинг 5148 нафарига 1590,3 миллион сўмлик моддий ёрдамлар берилди.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарали ташкил этишда ҳар йили “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказиб келинаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” курик-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, бу танлов фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, тизим фаолларнинг биллими ва малакасини ошириш, жойларда тўпланган илгор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Самарқандда “Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori остида уюштирилган курик-танловнинг республика босқичи очилишига бағишланган тадбирда шу хусусда атрафилик сўз юритилди. Дарҳақиқат, уч босқичли тизимда ўтказилаётган мазкур танлов соҳа ходимларининг жойларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоясига садокат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби 30 дан ортиқ вазифаларни самарали амалга оширишда ўзини хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Оилалар, маҳалламиз, умуман, Ватанимиз тинчлигини асраб-авайлаш ҳамда

халқимиз осойишталигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, — дейди Самарқанд шаҳридаги “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Юлдуз Нарзуллаева. — Бугун юртимиз барча жабҳада улкан натижаларга эришмоқдаки, бу хоржиликлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ана шу ютуқларда биз, маҳаллалар фаолларининг ҳам муносиб

қарор топтириш, миллатлараро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни барқамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айнақса, ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги шартда иштирақ-

таби вазифасини ўтайди, — дейди танлов ғолиби бўлган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Наврўзов. — Шу боис “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдики?” деган ҳаётий саволнинг моҳияти ва аҳамиятини ёш авлодга сингдириш мақсадида маҳалламизда бевосита кексалар иштирокида “Икки авлод учрашувлари”ни изчиллик билан ўтказиб келаямиз. Еш оилалар ҳамда йигит-қизлар учун ибратли оилалар иштирокида “Эъоз”, “Эҳтиром” мавзуларида учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Умуман, барча жабҳада маҳалламиз фаоллари кўмагида яхши натижаларга эришиб келаямиз. Ҳакамлар томонидан ана шулар инобатга олиниб, ғолиб бўлганимиздан жуда мамнунмиз. Айни чоғда бу зимманимиздаги масъулиятни янада оширади.

Бир сўз билан айтганда, “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, жойларда аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг ўрнини кенгайтириш, нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш мактаби сифатида ҳам аҳамиятли бўлди. Тадбир жараёнида уллар фаолиятига оид фотоялбомлар, плакат ва стендлар, хунармандчилик ишлари, миллий либослардан таркиб топган кургазма ҳам намойиш этилди.

Танловда бир неча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Уларга диплом ҳамда эсдаллик совғалари топширилди. Танлиқли санъаткорларнинг тинчлик, Ватан ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Танлов доирасида иштирақчилар Самарқанд вилоятидаги намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда уллардаги жамоатчилик тузилмалари фаолияти билан яқиндан танишиб, илгор тажрибаларни ўзлаштириш имконига ҳам эга бўлишди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев сўзга чикди.

Мамадир ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Носир ХАЙДАРОВ оling сурат.

ҳиссаси борлигидан бахтиёрми. Танлов жараёнида ўз тажрибамизни ўртоқлашиб баробарида, илгор иш услубларини ўргандик. Бу келгуси фаолиятимизда асқатади.

Энг улғу, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида ўтказилган ушбу тадбирда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган 14 жамоа 3 та шарт бўйича ўзаро бахс олиб борди. Аввало, фуқаролар йиғинларининг жойларда амалга ошираётган ишлари, эришган ютуқлари, намунали иш тажрибаларига оид тақдиримизга бағишланган атрафилик сўз юритилди.

Дарҳақиқат, уч босқичли тизимда ўтказилаётган мазкур танлов соҳа ходимларининг жойларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоясига садокат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби 30 дан ортиқ вазифаларни самарали амалга оширишда ўзини хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Оилалар, маҳалламиз, умуман, Ватанимиз тинчлигини асраб-авайлаш ҳамда

чиларнинг соҳага оид қонун ҳужжатларига доир билимлари синаб қурилди. Айниқса, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича берилган саволларга жавоблар ҳакамлар томонидан қонунчилик, ошқоралик ҳамда адолат тамойиллари асосида баҳоланди.

Шунингдек, тезкор савол-жавоб асосида фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳозиржавоблиги ва дунёқараши синовдан ўтказилди.

Яқинда Навоий шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини зафар қучди. Самарқанд вилоятининг Пайриқ туманидаги “Мустақиллик” ҳамда Наманган шаҳридаги Фурқат номили маҳалла фуқаролар йиғинлари кейинги ўринларга муносиб кўрилди.

Кексаларнинг ўғитлари ёшлар учун ибрат мак-

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ

жамоаси

тамлакатимиз аҳлини

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан сатимий табриклайди!

Баргага мустаҳкам соғлиқ, бахту содайт, хонадонингизга фрайзу барака, жонажон Ватанимизнинг қўллаб-қашнаши йўлидаги ишларингизга юксак зафарлар тилайди!

«Шўртангазкимёмажмуаси» МЧЖ

жамоаси

юртдошларимизни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан муборакбод этади!

Хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик, оилавий бахт ҳамда мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 12 сентябрь кунн соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказилайдиган аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 50/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Занжирбоғ кўчаси, 21-«А» уйда жойлашган, ер майдони 298,10 кв. м.дан иборат уй тақоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 19 596 532 сўм.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк кунн мобайнида мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши керак. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «VIP real estate» МЧЖнинг АТ «InfinitBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги туғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар воқолатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хоризий юридик ҳамда жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz

Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
 E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона (0-371) 233-52-55;
 Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
 Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан сақаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
 Навбатчи — З. Анурова.
 Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.25 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6